

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc02.30.12.2019.Tib50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ГРИГОРЬЯНЦ КАРИНА ЭДУАРДОВНА

**ИШЛАТИЛГАН ГАЗЛАР ТАЪСИРИГА ИММУН
ТИЗИМ АЪЗОЛАРИ ЖАВОБИНИНГ
СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Григорьянц Карина Эдуардовна

Ишлатилган газлар таъсирига иммун тизим аъзолари
жавобининг структура-функционал асослари..... 3

Григорьянц Карина Эдуардовна

Структурно-функциональные основы реакции органов
иммунной системы при воздействии выхлопных газов..... 23

Grigoryans Karina Eduardovna

The structural and functional basis of the reaction of the organs
of the immune system when exposed to exhaust gases..... 41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12.2019.Tib50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ГРИГОРЬЯНЦ КАРИНА ЭДУАРДОВНА

**ИШЛАТИЛГАН ГАЗЛАР ТАЪСИРИГА ИММУН
ТИЗИМ АЪЗОЛАРИ ЖАВОБИНИНГ
СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/В1356 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Арипова Тамара Уктамовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Уразметова Манса Дмитриевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Шахмурова Гульнара Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузурдаги DSc02.30.12.2019.Tib50.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 207-08-30, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

З.С.Камалов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.М.Хатамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда автомобиллар сонининг кўпайиши ва транспорт ҳажмининг ортиши улардан чиқадиган чиқинди газларидан атроф-муҳитнинг ифлосланиши муҳим экологик муаммо бўлиб қолмоқда. Чиқинди газларининг доимий таъсири атмосферадаги канцерогенлар даражасининг сезиларли даражада ортиши турли касалликлар, шу жумладан, нафас олиш тизими ва онкологик касалликлар ривожланишига сабаб бўлиши кузатилмоқда. Мутахассислар маълумотига кўра, «...атмосфера ҳавоси ифлосланишининг асосий манбаларидан бири автотранспортлар бўлиб, атроф-муҳитнинг ифлослантириши бўйича юқори ўринларни эгалламоқда»¹. Чиқинди газларининг инсон организмига доимий таъсири оғир оқибатларга олиб келиши, ушбу ҳолатларни эрта клиник-иммунонологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида катта шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланишини комплекс аниқлаш, олдини олиш ва камайтириш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳаводаги чиқинди газларнинг юқори концентрациясини ва кимёвий хусусиятларини аниқлаш, чиқинди газларнинг инсон организми ва ички аъзоларига таъсирини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда касбий ҳолатига кўра чиқинди газларни доимий таъсирида бўлган шахсларда туғма ва мослашган иммунитет кўрсаткичлари хусусиятларини аниқлаш усуллари такомиллаштириш, даволаш, профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдини олиш ва унинг асосий манбаларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, автомобиллар чиқинди газларининг иммун тизим фаолиятига доимий таъсирини аниқлаш ва асоратларини олдини олиш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

¹ World Resources Institute (2022), "Transport, Systems Change Lab", <https://systemschangelab.org/transport>; J.D. Sachs et al. (2022), "Sustainable Development Report 2022: From Crisis to Sustainable Development: The SDGs as Roadmap to 2030 and Beyond", <https://bit.ly/3qtgdQT>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли мамлакатларда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар саноат ифлосланиши кўрсаткичлари ва касбий нафас олиш касалликлари, овқат ҳазм қилиш, тери, эндокрин касалликлар, иммунитет танқислиги ҳолатлари, онкологик касалликлар частотасининг ошиши ўртасидаги ишончли боғлиқликни аниқлади [Anderson, H. R., Favarato, G.,etal., 2017; Chen, H., Burnett, R. T., etal., 2018; JhengYT, PutriDU 2021]. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, тахминан 1,4 миллион эрта ўлим экологик омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин, уларнинг 569 мингтаси атроф-муҳит ҳавосининг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган омиллар ва 154 минг - ички ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ.

Иммун тизими органларининг канцероген таъсирга реакцияси онкология ва иммунология соҳасидаги энг муҳим мавзулардан биридир [Kampa, M., Castanas, E.,etal., 2019, RakitskijV.N., StyopkinYu.I., etal., 2021]. Иммунитет тизими танани канцероген ўзгаришлардан химоя қилишда асосий рол ўйнайди. У аномал хужайраларни танийди ва йўқ қилади, аммо бу химоя бузилиши мумкин. Канцероген таъсирга қарши иммунитет реакцияларини ўрганиш ўсимта хужайралари қандай қилиб бу иммунитет реакциясидан қочиши ва тадқиқотнинг муҳим йўналиши бўлган иммуносупрессив механизмларни ўрнатишини тушунишга ёрдам беради [BryanABassig, YufeiDai., etal., 2017; Сарафанова К. Д., Заворотний А. А., 2022.].

Ифлослантирувчи моддаларнинг таъсири иммунитетни сусайтириши, инфекцияларга, аллергия реакцияларга мойиллигини ошириши ва аҳоли орасида ўпка саратони тарқалишига ёрдам бериши мумкин [Искандарова Г. Т., Ақромов Д. А., 2019]. Чикинди буғларининг узок вақт таъсири сурункали яллиғланишга олиб келиши мумкин, бу умумий иммунитетни химоя қилиш функциясини пасайтиради [WeatherlyLM, ShaneHL, 2024,Ракитский В.Н., Степкин Ю.И., и т.д. 2021]. Чикинди буғларининг узок вақт таъсири юрак-қон

томир касалликлари хавфини ошириши мумкин, жумладан: гипертония, юрак хуружи, юрак уриш тезлигининг ошиши ва аритмия каби [Langrish JP, Bosson J, Unosson J, Muala A, Newby DE, Mills NL, et al. 2012, JonUnosson, MikaelKabéleetal., 2021].

Шу тариқа, мазкур соҳадаги тадқиқотларга кўра, ифлослантирувчи моддалар инфекцияларга қарши курашиш қобилиятини камайтириб, сурункали касалликларнинг ривожланишига ҳисса қўшиши ва иммунитет тизимини бузиши мумкин. Ушбу механизмлардан хабардор бўлиш соғлиқни сақлаш хавфини баҳолаш ва профилактика чораларини тайёрлаш учун жуда муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ДИТҚ 1.4.1-сонли «Ўзбекистон геоклиматик шароитида аҳолининг иммунологик етишмовчилигини шакллантириш механизмлари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлатилган газлар таъсирига иммун тизим аъзолари жавобининг структура-функционал асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касбий ҳолатига кўра чиқинди газларни доимий таъсирида бўлган шахсларнинг жисмоний ҳолатларига оид анамнестик кўрсаткичларни аниқлаш;

касбий ҳолатига кўра чиқинди газларни доимий таъсирида бўлган шахсларда туғма ва мослашган иммунитет кўрсаткичлари хусусиятларини аниқлаш;

периферик қондаги лимфоцит ва моноцитлар рН кўрсаткичларини аниқлаш;

тажриба ҳайвонлари иммун тизими аъзоларида чиқинди газларнинг ўткир, нимўткир ва сурункали таъсиридан кейин морфологик ва морфометрик ўзгаришларни аниқлаш;

чиқинди газлари таъсиридан кейин иммун тизими аъзоларида баъзи микроэлементлар миқдорини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида касбий ҳолати бўйича чиқинди газларини таъсирида бўлган 84 нафар автосервис ишчилари ва 36 нафар амалий соғлом шахслар ҳамда тажрибавий тадқиқотлар учун турли жинсдаги 4-6 ойлик, вазни 160-180 г бўлган 194 та оқ зотсиз каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети назоратдаги шахслар вена қони ва қон зардоби иммунологик ҳамда тажриба ҳайвонлари иммун изим аъзолари морфологик ва морфометрик тадқиқотлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, анамнестик, иммунологик, морфологик, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иш фаолияти давомида чиқинди газларининг узоқ муддатли таъсири ходимларда бронх-ўпка тизими, юрак-қон томир тизими ва турли аллергик

касалликлар каби патологик ҳолатларини ривожлананишига сабаб бўлиши аниқланган;

илк бор чиқинди газларининг инсон организмига узоқ муддатли таъсири сабабли уларда туғма иммунитет (CD16+, IFN γ ва фагоцитоз) кўрсаткичларининг кескин пасайиши фонида адаптив иммунитет (CD8, CD20, CD23) кўрсаткичларининг кескин ортиши исботланган;

чиқинди газларининг инсон организмига узоқ муддатли таъсири яллиғланишга хос (IL-1 β , TNF α , ИЛ-17A) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг кескин ортиши иммун тизим цитокинларининг дисбалансига сабаб бўлиши исботланган;

илк бор бензин ёниши маҳсулотлари билан доимий алоқада бўлган шахсларда чиқинди газларнинг узоқ муддатли таъсири периферик қондаги лимфоцитлар ва моноцитлар рН кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касбий ҳолатига кўра чиқинди газларни доимий таъсирида бўлган шахсларда туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичларининг миқдори ўзгаришлари аниқланган;

чиқинди газлар доимий таъсирида бўлган шахсларда яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-17A) ва қарши (IL-4) цитокинлар ҳамда микроэлементлар миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланган;

бензин ёниши маҳсулотлари билан доимий алоқада бўлган шахсларда периферик қондаги лимфоцитлар ва моноцитлар рН кўрсаткичлари аниқлаш асосланган;

тажриба ҳайвонлари иммун тизими аъзоларига чиқинди газлар таъсирида морфологик, морфометрик усулларни қўллаш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотда иштирок этган шахслар ва тажриба ҳайвонлар сонининг етарли эканлиги, иммунологик, морфологик, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлатилган газлар таъсирига иммун тизим аъзолари жавобининг структура-функционал асосларини аниқлаш бўйича иш фаолияти давомида чиқинди газларининг узоқ муддатли таъсири ходимларда патологик ҳолатларини ривожлананишига сабаб бўлиши аниқланганлиги, туғма иммунитет (CD16+, IFN γ ва фагоцитоз) кўрсаткичларининг кескин пасайиши фонида адаптив иммунитет (CD8, CD20, CD23) кўрсаткичларининг кескин ортиши исботланганлиги, яллиғланишга хос (IL-1 β , TNF α , ИЛ-17A) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг кескин ортиши иммун тизим цитокинларининг дисбалансига сабаб бўлиши исботланганлиги

ва периферик қондаги лимфоцитлар ва моноцитлар рН кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касбий ҳолатига кўра чиқинди газларни доимий таъсирида бўлган шахсларда туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичлари хусусиятларини аниқлаш таклиф этилганлиги, яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-17A) ва қарши (IL-4) цитокинлар миқдори ўзгаришларини аниқлаш асосланганлиги, периферик қондаги лимфоцитлар ва моноцитлар рН кўрсаткичлари аниқлаш асосланганлиги ва тажриба ҳайвонлари иммун тизими аъзоларига чиқинди газлар таъсирида морфологик, морфометрик усулларни қўллаш ва микроэлементлар миқдорини аниқлаш таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ишлатилган газлар таъсирига иммун тизим аъзолари жавобининг структура-функционал асосларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор чиқинди газларининг ҳайвонлар ва инсон организмига узоқ муддатли таъсири сабабли уларда туғма иммунитет (CD16+, IFN γ ва фагоцитоз) кўрсаткичларининг кескин пасайиши фонида адаптив иммунитет (CD8, CD20, CD23) кўрсаткичларининг кескин ортиши исботланганлиги бўйича «Экспериментда тимуснинг морфофункционал ҳолатига чиқинди газларининг таъсирини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 5 апрелдаги PhD 3 u-t/013-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 26.11.2024 йилдаги 617-сонли ва Самарқанд давлат университети бўйича 27.11.2024 йилдаги 464-иж-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 15-февралдаги 12/15-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши, тажрибада чиқинди газларнинг иммунитет тизими марказий аъзолари ҳолатига таъсирини баҳолаш усули лаборатория ҳайвонларида иммунитет жараёнларининг ҳолатини аниқлаш ва баҳолашга имкон беради. Бу, ўз навбатида, иммунитет тизимининг тартибга солиш ва компенсацион-адаптив қобилятини баҳолашга имкон беради. Олинган натижалар юқори даражадаги ҳаво ифлосланиши таъсиридан келиб чиқадиган патологияларни даволаш қаратилган тадқиқотларни олиб боришга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижалар, яъни экспериментда тимуснинг морфофункционал ҳолатига чиқинди газларининг таъсирини баҳолаш усулини Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Самарқанд давлат университети амалий фаолиятларига жорий этилиши тажриба ҳайвонларида иммунитет тизимининг асосий кўрсаткичи бўлган тимус тўқималаридаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва сарфланган маблағнинг 700000 сўмгача тежаш имконини беради. *Хулоса:* чиқинди газларининг ҳайвонлар ва инсон организмига узоқ муддатли таъсири сабабли уларда туғма иммунитет кўрсаткичларининг кескин пасайиши фонида адаптив иммунитет кўрсаткичларининг кескин ортишига олиб келиши асосланган;

иккинчи илмий янгилиги: чиқинди газларининг инсон ва хайвон организмига узоқ муддатли таъсири яллиғланишга хос (IL-1 β , TNF α , ИЛ-17A) ва яллиғланишга қарши (IL-4) цитокинлар миқдорларининг кескин ортиши иммун тизим цитокинларининг дисбалансига сабаб бўлиши исботланганлиги бшйича «Экспериментда тимуснинг морфофункционал ҳолатига чиқинди газларининг таъсирини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 5 апрелдаги PhD 3 u-t/013-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўйича 26.11.2024 йилдаги 617-сонли ва Самарқанд давлат университети бўйича 27.11.2024 йилдаги 464-иж-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025-йил 15-февралдаги 12/15-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши, тажрибада чиқинди газларнинг иммунитет тизими марказий аъзолари ҳолатига таъсирини баҳолаш усули лаборатория ҳайвонларида иммунитет жараёнларининг ҳолатини аниқлаш ва баҳолашга имкон беради. Бу, ўз навбатида, иммунитет тизимининг тартибга солиш ва компенсацион-адаптив қобилятини баҳолашга имкон беради. Олинган натижалар юқори даражадаги ҳаво ифлосланиши таъсиридан келиб чиқадиган патологияларни даволаш қаратилган тадқиқотларни олиб боришга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижалар, яъни экспериментда тимуснинг морфофункционал ҳолатига чиқинди газларининг таъсирини баҳолаш усулини Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Самарқанд давлат университети амалий фаолиятларига жорий этилиши тажриба ҳайвонларида иммунитет тизимининг асосий кўрсаткичи бўлган тимус тўқималаридаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва сарфланган маблағнинг 700000 сўмгача тежаш имконини беради. *Хулоса:* чиқинди газларининг инсон ва хайвон организмига узоқ муддатли таъсири яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорларининг кескин ортиши иммун тизим цитокинларининг дисбалансига сабаб бўлиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, унинг мақсад ва вазибалари аниқ кўрсатилган, объекти ва мавзуси баён этилган, диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, натижаларнинг соғлиқни ссақлаш тизимнинг амалиётига жорий қилиниши баён этилган, илмий натаижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Атмосфера ҳавосининг ишлатилган газлар билан ифлосланиши ва уларнинг соғлиққа таъсири (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётларни таҳлилий шарҳи келтирилган. Диссертациянинг адабий шарҳида, маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотларига кўра, замонавий қарашлар, ишлатилган газлар билан ифлосланиш частотаси, сабаблари ва хавф омиллари ёритилган, иш фаолияти туфайли ишлатилган газлари билан бевосита алоқада бўлган ишчиларнинг иммун тизими кўрсаткичларига таъсири ҳақида сўз борган. Асосий ифлослантирувчи моддалар ёритилган: атмосферага келиб тушиш манбалари, канцероген моддаларни инсон организмига таъсири хавфи ва бензин ёниш маҳсулотларининг организм ва иммун тизимига таъсири.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материалларининг тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишлатилган газлар билан бевосита алоқада бўлган автосервис ишчилари ҳақида маълумот берилган. Туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичлари ўрганилди ва автосервисда фаолият юритган ва бензин ёниш маҳсулотлари билан алоқада бўлган 20-60 ёш оралиғидаги 84 нафар авточилангарлар ва мотористларида яллиғланиш цитокинлари ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражаси ўрганилди. Назорат гуруҳини 38 нафар аналогик ёшдаги, токсик моддалар билан алоқада бўлмаган шахслар ташкил қилди. Асосий гуруҳ иш тажрибасига қараб 3 та кичик гуруҳдан иборат бўлди: 1 - гуруҳ – 1 йилгача бўлган иш тажрибаси, 2 - гуруҳ-1 йилдан 5 йилгача бўлган иш тажрибаси ва 3-гуруҳ-5 йилдан юқори иш тажрибасига эга бўлган.

Иммунологик тадқиқотлар ёрдамида туғма (CD16+, FAN, C3C, CRP, IFN γ) ва адаптив иммунитет кўрсаткичлари (CD3+,- CD4+,-, CD8+,-, CD20+,-, CD25+,-, CD38+,-, CD95+,-, ҳамда яллиғланишга мойил ва яллиғланишга қарши цитокинлар (ФНО α , ИЛ-1 β и ИЛ-4) синтези ўрганиб чиқилди. Фенотиплаш Гариб Ф.Ю. ва муаллиф., 1999 услуги LT серияси моноклонал антитаналарини қўллаш ёрдамида бажарилди (ЗАО “Сорбент-сервис”, Москва), гуморал омиллар «Вектор Бест» АЖ тест-тизимлари ИФА услуги ёрдамида бажарилди. Хужайра ичидаги рН интерференцион филтрли фотометрик учлик билан жиҳозланган ЛЮМАМ ИЗ люминесцент микроскоп, фотоэлектрон кўпайтиргич ФЭУ-79 ва чиқишда рақамли вольтметр ёрдамида аниқланди. рН

ни ўрганиш учун ҳужайралар цитоплазмасида тўпланадиган рН га боғлиқ флуоресценцияли флуоресценин зонд ишлатилган.

Иккала жинсдаги оқ каламушлар ишлатилган газларнинг иммунитет тизимига таъсирини экспериментал таҳлил қилиш учун– 194 та 160-180 гр вазнли, 4-6 ойлик каламушлар қўлланган. Ҳайвонлар 50 литрли камерада 4 соат давомида ишлатилган газлар билан заҳарланган. Камерадаги газ аралашмаси ҳар 15 дақиқада ўзгартирилди. Ўткир таъсирга 2 кун давомида 1/50 дозада СО бўйича ҳисобда летал концентрацияда ҳайвонларни икки марта заҳарлаш орқали эришилди. Нимўткир таъсирга ҳар куни ҳайвонларни 1/100 ҳалокатли концентрацияли дозада заҳарлаш орқали эришилди. Сурункали таъсир 1/200 ҳалокатли концентрацияли дозада ҳайвонларни тўрт ой давомида заҳарлаб бориш орқали амалга оширилди.

Иммун тизими аъзоларининг микроэлементлари таркибини аниқлаш нейтрон-активацион таҳлил қилиш усули ёрдамида амалга оширилди. Экспериментал ҳайвонларнинг қуйидаги микроэлементлар аниқланди: ИГ ни, ўткир, нимўткир ва сурункали таъсирида каламушлар тимуси ва қораталоғида рух, кобальт, симоб, селен, темир ва сурма. Морфологик ва морфометрик услубларни ўтказиш учун аъзоларнинг парафи кесимлари бажарилди. Ҳужайравий элементларни умумий структураси ва фоизли миқдорини ўрганиш учун препаратлар гематоксилин-эозин билан бўялди. Тимус, лимфа тугунлари ва қораталоқ тавсифларини аниқлаш учун материални бир қисми азур II-эозин билан ва Ван Гизон бўйича бўялди.

Материални статистик қайта ишлаш вариацион статистиканинг стандарт усуллари ёрдамида ўртача қийматни ҳисоблаш билан амалга оширилди, MicrosoftExel 2003 (MicrosoftCorporation, 1985-1999), «STATISTICA”99 Edition» дастурий таъминот тўплами ёрдамида стандарт хато аниқланди. Асосий статистик мезон сифатида Стъудентни умумий қабул қилинган ишончлилиги ($P < 0.05$) бўлган t -тести ишлатилган.

Диссертациянинг «**Бензин ёниш маҳсулотлари билан алоқада бўлган шахсларнинг иммунитет тизимининг ҳолати**» деб номланган учинчи бобида 84 нафар автосервис ишчиларининг иммунитет тизимини ўрганиш бўйича маълумотлар тақдим этилган.

Текширувдаги ходимлар хизмат муддатига қараб, 3 гуруҳга тақсимланган: 1-гуруҳ-1 йилгача бўлган иш тажрибаси, 2 - гуруҳ – 1 йилдан 5 йилгача бўлган иш тажрибаси ва 3-гуруҳ-5 йилдан зиёд иш тажрибаси. Назорат гуруҳи автосервисда ишламаган аналогик ёшдаги 38 нафар деярли соғлом шахслар ташкил қилди. НК-ҳужайраларини юқори даражаси патогенлар меъёридан кўплиги туфайли фаол яллиғланиш жараёнига, камлиги эса – яллиғланиш сурункали тус олишига ишора қилади. 1 йилгача тажрибага эга бўлган шахслар гуруҳида CD16+ даражаси назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли юқори бўлган (19,3% га 13,5%). Бу янги зарарли омилларга иммун тизимининг мослашишини билдиради: токсинларга дуч келганида иммунитет фаоллашади, бу эса CD16+ ҳужайралари миқдорини кўпайтиради.

1 йилдан 5 йилгача иш тажрибасида, яъни иккинчи гуруҳда, CD16+ даражаси юқори ҳолатда (18,06%) қолди, бу эса иммун тизимининг сурункали

таъсирга қисман мослашишига ишора қилади. Учинчи гуруҳда иш таърибаси 5 йилдан зиёд шахсларда, CD16+ даражаси кескин 9,6% гача камайган (назорат гуруҳидан 29% га паст), бу зарарли омилларнинг узоқ муддат таъсири туфайли иммун тизимининг сурункали заифлашишидан дарак беради.

Нейтрофиллар (НФФ) нинг функционал фаоллиги автосервис ходимларида назорат гуруҳидаги иштирокчиларга нисбатан анча паст. Зарарли омилларнинг сурункали таъсири нейтрофилларнинг патогенларни йўқотиш хусусиятини заифлаштиради, бу эса катта иш таърибасига эга ходимларда НФФ нинг пасайиши билан тасдиқланади.

Қисқа муддатли таърибага эга ишчиларда интерферон гамма (IFN γ) кўпайиши кузатилди, бу тананинг токсик моддалар таъсирига жавобан вирусга қарши ва антимиқроб ресурсларни сафарбар қилишга уринишини кўрсатади. Бироқ, узоқ таърибага эга бўлган гуруҳларда бу кўрсаткич камайди, бу токсинларга сурункали таъсир қилиш фонида иммунитетнинг пасайиши билан изоҳланиши мумкин.

Барча ходимларда лейкоцит даражасини ошишига тенденция кузатилди. Лимфоцитларни нисбий даражаси текширувдагиларни ҳаммасида тахминан бир хил бўлди. Т-хужайравий субпопуляцияларни таҳлили кўрсатишича, CD3+ даражаси текширилаётган автосервис ходимларини барчасида ишончли паст бўлган ва энг кичик кўрсаткичлар 1 йилгача иш таърибасига эга ходимларда бўлган ($P<0,01$) ва бу адаптив иммун жаобни сусайтирувчи ифлослантурувчи моддаларни сурункали таъсири билан боғлиқ.

Т-хелперлари таҳлили бўйича уларни энг минимал кўрсаткичи 1 йилдан 5 йилгача иш таърибасига эга ходимларда қайд этилган ($P<0,01$). CD4+ хужайралари даражасини пасайган миқдори иммун жаобини регуляциясида жиддий бузилишларга ишора қилади.

Худди шундай ўзгаришлар цитотоксик Т-хужайралар даражасини таҳлил қилишда ҳам кузатилди (CD8+). Автосервис ходимларини биринчи гуруҳида бу кўрсаткич $28,3 \pm 1,16\%$ гача ошган, бу цитотоксик жаобни фаоллашишига ишора қилади. Бироқ сўнг пасайиш рўй берди: иккинчи гуруҳда $25,7 \pm 1,06\%$, учинчи гуруҳда эса – $20,08 \pm 1,14\%$ гача. Бундай кескин пасайиш катта иш таърибаси эга шахсларда иммун тизимини цитотоксик потенциалининг заифлашишини билдиради.

Автосервис ходимларида В-лимфоцити даражаси иш таърибаси ортишига боғлиқ ҳолда яққол ошиб борди, максимал қийматлар иш таърибаси 5 йилдан юқори бўлган ходимларда бўлган ($P<0,001$). Етилган В-лимфоцитларини акс эттирувчи CD23+ кўрсаткичлари ҳам автосервис ходимларида юқори бўлиб, максимал қийматлар 3 гуруҳга тегишли бўлди ($P<0,01$).

Иммуноглобулинлар ҳам сезиларли ўзгаришларни кўрсатди. Биринчи гуруҳда гуморал иммунитет реакциясида иштирок этадиган асосий IgG даражаси пасайган ($P<0,01$). Ушбу пасайиш токсик шароитда ишнинг дастлабки босқичларида антитана синтезининг бузилишини кўрсатиши мумкин. Иккинчи гуруҳда IgG даражаси $10,38 \pm 0,42$ г/л гача ошди, бунда назорат қийматларига яқинлашди ва учинчи гуруҳда IgG даражаси меъёрдан

юқори бўлиб, $13,08 \pm 0,39$ г/л ни ташкил қилди. IgA даражасига тўхталсак, биринчи гуруҳда у назорат қийматидан биров юқорироқ бўлди, ($1,59 \pm 0,08$ г/л ва $1,49 \pm 0,05$ г/л, мос равишда), Бироқ, иккинчи гуруҳда $1,18 \pm 0,07$ г/л гача пасайди, учинчи гуруҳда эса $1,15 \pm 0,06$ г/л гача пасайиши кузатилди, бу сурункали токсик таъсирлар фонида антитана ҳосил бўлишини бузилишини билдиради.

Бирламчи антитана ҳисобланган IgM даражаси ҳам қизиқарли ўзгаришларни кўрсатди. Биринчи гуруҳда IgM даражаси меъёрдан юқори бўлди, бу ўткир антиген стимуляцияга реакциядан дарак бериши мумкин. Кейинги гуруҳларда IgM даражаси иккинчи гуруҳда $1,03 \pm 0,06$ г/л гача, ва учинчи гуруҳда $0,87 \pm 0,05$ г/л гача пасайди, буни антиген стимуляциянинг ўткир босқичига жавоб сифатида талқин қилиш мумкин.

Циркуляр иммунитет комплекслари (ЦИК) автосервис ишчиларининг барча гуруҳларида кескин ўсиши кузатилган. Назорат гуруҳида йирик ЦИК даражаси $42,3 \pm 1,5$ ни ташкил қилган, ҳолбуки, биринчи гуруҳда эса $72,3 \pm 4,54$ бирликгача кўпайган, иккинчи гуруҳда – $91,4 \pm 3,74$ бирликгача, учинчи гуруҳда эса энг юқори кўрсаткич – $104,5 \pm 2,39$ га кўтарилган, бу одатдагидан деярли икки ярим баравар юқори дегани.

1-гуруҳда CD38+ ҳужайралар фоизи $27,67 \pm 0,26\%$ гача кескин ошди. Қизиғи шундаки, биринчи гуруҳдаги CD25+ ҳужайралари даражаси назорат гуруҳига қараганда паст бўлган - $17,33 \pm 0,26\%$. Буни токсинлар таъсирининг дастлабки босқичларида танада ҳали адекват адаптив иммунитет реакцияси ривожланмаганлиги ва эҳтимол Т-лимфоцитлар фаоллашувининг вақтинча сустлашиши мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Белгилаб ўтиш зарурки, апоптоз белгиси бўлган CD95+ ҳужайралари даражаси биринчи гуруҳда назорат гуруҳига қараганда пастроқ бўлди – $20,29 \pm 1,01\%$. 1 йилдан 5 йилгача тажрибага эга бўлган гуруҳда иммунитет тизимидаги ўзгаришлар янада аниқроқ бўлади. CD38 + ҳужайраларининг улуши автосервисни барча ходимларида юқори бўлди, лекин энг юқори қийматлар 3 гуруҳга тегишли бўлди ($P < 0,01$). CD25+ - эрта фаоллашиши лимфоцитлари даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1 гуруҳ ходимларида паст бўлган ($P < 0,05$). Бироқ, ифлосланган муҳитда узок муддат бўлиш оқибатида CD25+ ҳужайралари даражаси ўсган ($P < 0,05$).

Ҳулоса тариқасида, автосервисда иш тажрибаси ортиши сайин иммун тизимининг ўсиб борувчи фаоллашуви рўй беради, у токсик моддаларни таъсири оқибатида захираларни сусайишига ва ҳужайралар нобуд бўлишига олиб келади, бу эса иммун тизими иши бузилишига сабаб бўлиб, касалликнинг сурункали тус олишига олиб келади.

Назорат гуруҳида цитокинларнинг концентрацияси меъёрий диапазонда бўлди, бу танадаги яллиғланиш ва яллиғланишга қарши жараёнлар ўртасидаги соғлом мувозанатни кўрсатади. ФНО α ($21,3 \pm 1,4$ пг/мл) ва ИЛ-1 β ($18,2 \pm 1,3$ пг/мл) даражаси иммунитет тизимини фаол активациясиз, меъёрий яллиғланиш мақомини акс эттиради. Яллиғланишга қарши цитокин - ИЛ-4 даражаси нисбатан паст бўлган - $5,3 \pm 0,4$ пг/мл, бу яллиғланиш реакциясини кучайтиришнинг ҳожати йўқлигини тасдиқлайди.

1 йилгача тажрибага эга бўлган ходимлар учун вазият кескин ўзгарган. ФНО α даражаси $42,6 \pm 1,6$ пг/мл гача кўтарилган, бу назорат гуруҳига қараганда деярли икки баравар юқори бўлган. ИЛ-1 β нинг $39,4 \pm 1,7$ пг/мл гача кўтарилиши (назорат гуруҳига нисбатан 2,16 марта) тананинг туғма иммунитетни фаоллаштириш орқали ўткир яллиғланиш билан курашишга ҳаракат қилаётганини тасдиқлайди. ИЛ-1 β иммунитет ҳужайраларининг янада фаоллашишини таъминлайди ва яллиғланишни кучайтиради. Ҳатто яллиғланишга қарши цитокин бўлган ИЛ-4 даражаси ҳам $8,5 \pm 0,6$ пг/мл га ошди, бу меъёрий кўрсаткичлардан 60% юқори, бу организмни яллиғланиш жараёнини мувозанатлашга уриниши сифатида қаралиши мумкин.

1 йилдан 5 йилгача тажрибага эга бўлган ходимларда биринчи гуруҳ беморларига нисбатан ФНО α ва ИЛ-1 β даражаларининг пасайиши кузатилди. ФНО α даражаси $30,5 \pm 1,45$ пг/мл ни ташкил қилди (бу назорат гуруҳидан 43% га юқори), бу танани токсинларнинг сурункали таъсирига қисман мослашишини кўрсатади. ИЛ-1 β ҳам $22,8 \pm 1,3$ пг/мл гача пасайган (назорат кўрсаткичларига нисбатан 25% юқори), бу сурункали яллиғланиш фонининг сақланишини кўрсатади. Бироқ, ИЛ-4 даражаси $10,4 \pm 0,8$ пг/мл гача кўтарилди (меъёрдан 96% га юқори), бу яллиғланишни бостирадиган регулятор механизмларининг фаол уринишларини акс эттиради.

Энг кескин ўзгаришлар 5 йилдан ортиқ тажрибага эга гуруҳда кузатилди. Бу ерда, ФНО α даражаси $48,6 \pm 1,5$ пг/мл гача максимал кўтарилган, бу меъёрий қийматлардан икки баравар кўп бўлди, бу сурункали яллиғланиш жараёнини билдиради ва бу тўқималарнинг шикастланишини кўрсатади. ИЛ-1 β даражаси ҳам анча кўтарилиб, $36,7 \pm 1,4$ пг/мл га етган, меъёрий кўрсаткичлардан 101% га юқори бўлган, бу туғма иммунитет тизимининг доимий стимуляциясини ва организм захираларини потенциал заифлашишини тасдиқлайди. ИЛ-4 даражаси $12,8 \pm 1,0$ пг/мл га етиб, назорат кўрсаткичларидан 141% мартага юқори бўлди, бу организмни яллиғланишни тўхтатишга уринишини билдиради, бироқ ИЛ-4 нинг юқори даражалари ҳам яллиғланишнинг ҳалокатли таъсирини қоплай олмайди.

Биз томонимиздан лимфоцитлар, моноцитларнинг рН қийматини ўлчанди. Натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳи лимфоцитларининг ёрқинлиги $0,075 \pm 0,004$ ш.б. ни ташкил қилган, моноцитлар эса $0,178 \pm 0,008$ ш.б. ни ташкил қилган. Ишлатилган газлар таъсиридаги одамлар гуруҳида ёрқинлик даражаси сезиларли пасайиши қайд этилди. Назорат гуруҳидаги лимфоцитлар рН кўрсаткичи $7,29 \pm 0,032$, моноцитлар эса - $7,32 \pm 0,033$ ни ташкил қилди. ИГ таъсирида бўлган одамлар гуруҳида лимфоцитлар ва моноцитларнинг рН қийматларининг сезиларли пасайиши аниқланди. Бинобарин, ИГ нинг узоқ муддатли таъсири танадаги биологик силжишларни келтириб чиқаради ва ҳужайра ичидаги гомеостазга таъсир қилади, бу ҳужайрада содир бўладиган жараёнларни амалга оширишда ҳужайра ичидаги рН нинг муҳим тартибга солувчи ролини кўрсатади.

Дастлабки босқичларда (1 йилгача) туғма ва адаптив иммунитетнинг фаоллашиши кузатилади, CD16+, CD38+, CD25+ ва цитокинлар (ФНО α , ИЛ-1 β) даражалари ортиши билан намоён бўлади. Бироқ, иш тажрибаси 5 йилдан

ошганда иммунитет тизими сусайишни бошлайди: проявлягианиш цитокинлари даражаси икки баробардан кўп ортади, ва бу сурункали яллиғланишга ишора қилади, яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-4 ҳам анча юқори бўлади, лекин ҳалокатли яллиғланиш жараёнини тўхтата олмайди. Бу сурункали яллиғланиш касалликлар хавфини оширади ва ишчиларнинг соғлиғини мунтазам равишда кузатиб бориш зарурлигини таъкидлайди.

